



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 21 » апрель

№ ПҚ–145

### **Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида**

Давлат иштирокидаги йирик корхоналар ва тижорат банкларининг (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги йирик корхоналар) фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни хусусийлаштириш орқали хорижий инвестициялар жалб этилишини жадаллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

#### **I. Мақсадлар**

**1.** Қуйидагилар давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро ва маҳаллий бозорларда сотишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

- (а) 29 та давлат иштирокидаги йирик корхона устав капиталидаги акциялар пакетини (улушларни) нуфузли халқаро профессионал консултантларни жалб қилган ҳолда оммавий савдоларга чиқариш;
- (б) 12 та давлат иштирокидаги йирик корхона устав капиталидаги акциялар пакетининг халқаро ва маҳаллий фонд бозорларида бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифини ўтказиш.

#### **II. Давлат активларини халқаро бозорларда сотиш**

**2.** Қуйидагилар:

- (а) **Профессионал консултантларни жалб қилган ҳолда халқаро ва маҳаллий бозорларда оммавий савдоларга чиқариладиган акциялар пакетлари (улушлар) рўйхати 1-иловага мувофиқ;**

- (б) Халқаро ва маҳаллий фонд бозорларида акцияларининг **бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи** ўтказиладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати **2-иловага мувофиқ**;
- (в) **Давлат иштирокидаги айрим йирик корхоналарни сотиш механизми 3-иловага мувофиқ**;
- (г) Давлат иштирокидаги йирик корхоналар устав капиталидаги акция пакетларини (улушларни) хусусийлаштириш олди тайёргарлик ишларини **мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 4-иловага ва унинг асосий вазифалари 5-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.
- 3.** Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси (А. Арипов) (кейинги ўринларда – Хусусийлаштириш давлат комиссияси) **ўн кун муддатда** давлат иштирокидаги йирик корхоналар устав капиталидаги акциялар пакетларини (улушларини) савдога чиқаришнинг алоҳида корхоналар бўйича “йўл хариталари”ни амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг аниқ механизми ва масъулларини назарда тутган ҳолда тасдиқласин.
- 4.** Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Давлат активлари агентлиги):
- (а) **2025 йил 1 июлга қадар** жалб қилинган профессионал консультантнинг таклифини инобатга олган ҳолда ва Энергетика вазирлигининг ёқилғи етказиб беришнинг энг кам миқдори бўйича кафолати асосида **халқаро бозорда иссиқлик электр станцияларининг очиқ оммавий савдоларини** эълон қилсин;
- (б) тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси якуни бўйича “Ўзметкомбинат” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини савдога чиқарсин.

### **III. Давлат активларини халқаро бозорларда сотиш механизми**

- 5.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мазкур қарор доирасида давлат активларини оммавий савдоларга чиқариш ва уларни сотиш жараёнларини ташкил этишда:
- (а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **халқаро молия бозорлари конъюнктураси, ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда стратегик инвесторлар талабларидан келиб чиқиб** давлат активларини **хусусийлаштириш модели ва графигини** ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Хусусийлаштириш давлат комиссиясига тақдим этади;

- (б) Давлат активлари агентлиги халқаро очиқ оммавий савдолар жараёнини амалга ошириш учун нуфузли халқаро профессионал ташкилотлар ва юридик консультантларни жалб этади;
- (в) Давлат активлари агентлиги ёки “UzAssets” инвестиция компанияси” АЖ “катта тўртлик” туркумига кирувчи баҳоловчи ташкилотларни энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида улар билан тузиладиган шартномаларни экспертизадан ўтказмасдан жалб этади;
- (г) халқаро профессионал ташкилотлар томонидан давлат активларини сотиш мақсадида аниқланган қиймат ёки қийматлар оралиғи (баҳолаш фаолиятининг миллий стандарти талабларидан қатъи назар) савдо жараёнида мўлжал сифатида ҳисобга олинади;
- (д) жалб этилган баҳоловчи ташкилотларнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи экспертизадан ўтказилиши талаб этилмайди ва ҳисоботда аниқланган нархдан давлат активининг бошланғич нархини белгилашда мўлжал сифатида фойдаланилади;
- (е) Хусусийлаштириш давлат комиссияси давлат активларининг хусусийлаштириш моделини ва графикларини тасдиқлаб, сотиш жараёнларини мувофиқлаштириб боради.

#### **IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

6. Давлат активлари агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2025 йил 1 декабрга қадар** профессионал консультантлар, халқаро молия ташкилотларининг экспертларини жалб этган ҳолда 2030 йилгача **давлат корхоналарини ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш стратегияси** ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.
7. Давлат активлари агентлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда мазкур қарорга асосан хусусийлаштирилиши белгиланган активларнинг халқаро бозорларда савдоларини ташкил қилиш ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда PR-консалтинг компаниялари ҳамкорлигида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш, шунингдек, халқаро форумларда тақдимотлар (“Road Show”) ўтказиш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков белгилансин.
9. Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Профессионал консультантларни жалб қилган ҳолда халқаро ва маҳаллий бозорда  
оммавий савдоларга чиқариладиган акциялар пакетлари (улушлар)  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	ТҲШ	Акциядор (иштирокчи) номи	Сотиладиган улуш миқдори (%)	Амалга ошириш муддати	
					консультант жалб этиш	оммавий савдони эълон қилиш
1.	Universal Mobile Systems	МЧЖ	Рақамли технологиялар вазирлиги	100	2025 йил II чорак	2025 йил III чорак
2.	UzAuto Motors	АЖ	“Ўзавтосаноат” АЖ	99,7	2025 йил IV чорак	2026 йил I чорак
3.	UzAuto Motors Powertrain	АЖ		100	2025 йил III чорак	2025 йил IV чорак
4.	Ўзбекинвест ЭИСК	АЖ	Давлат активларини бошқариш агентлиги	75,24	2025 йил II чорак	2025 йил III чорак
5.	Ўзагросуғурта	АЖ		99,35	2025 йил II чорак	2026 йил I чорак
6.	Uzbekistan GTL	МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ	100	2025 йил III чорак	2026 йил II чорак
7.	Ўзбекгидроэнергоқурилиш	АЖ	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ	96,7	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак
8.	Трансгазмахсусқурилиш	АЖ	“Ўзтрансгаз” АЖ	77,6	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак
9.	Махсусэнергогаз	АЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ	41	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак

Т/р	Номи	ТХШ	Акциядор (иштирокчи) номи	Сотиладиган улуш миқдори (%)	Амалга ошириш муддати		
					консультант жалб этиш	оммавий савдони эълон қилиш	
10.	Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси	АЖ	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ	100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
11.	Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси	АЖ		99,6	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
12.	Ангрен иссиқлик электр станцияси	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
13.	Сирдарё иссиқлик электр станцияси	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
14.	Муборак иссиқлик электр маркази	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
15.	Фарғона иссиқлик электр маркази	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
16.	Тошкент иссиқлик электр маркази	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
17.	Тошкент иссиқлик электр станцияси	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
18.	Навоий иссиқлик электр станцияси	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
19.	Тахиатош иссиқлик электр станцияси	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак	
20.	Технопарк	МЧЖ		Тошкент шаҳар ҳокимлиги	100	2025 йил III чорак	2026 йил I чорак
21.	Uzbek Leasing International	АЖ		“Ўзмиллийбанк” АЖ	45,5	2025 йил II чорак	2026 йил I чорак
22.	Ўзагролизинг	АЖ		Давлат активларини бошқариш агентлиги	97,5	2025 йил II чорак	2026 йил I чорак
23.	Тошкент трактор заводи	МЧЖ	100		2025 йил III чорак	2026 йил I чорак	

Т/р	Номи	ТҲШ	Акциядор (иштирокчи) номи	Сотиладиган улуш миқдори (%)	Амалга ошириш муддати	
					консультант жалб этиш	оммавий савдони эълон қилиш
24.	Шеробод цемент заводи	МЧЖ	“Олмалиқ КМК” АЖ	100	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак
25.	Йўлқурилиш	АЖ	Давлат активларини бошқариш агентлиги	100	2025 йил II чорак	2025 йил III чорак
26.	Ўзсувқурилиш	АЖ		100	2025 йил II чорак	2025 йил III чорак
27.	Шарғункўмир	АЖ		99,93	2025 йил II чорак	2025 йил IV чорак
28.	Ўзметкомбинат	АЖ	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	91	2025 йил III чорак	2026 йил I чорак
29.	Навоийазот	АЖ		75	Алоҳида график асосида*	

**Изоҳ:**

ушбу иловадаги жамиятлар устав капиталидаги давлат улушлари ишончли бошқарувга берилган бўлса, улар баҳоланган қийматда дастлаб ишончли бошқарувчига таклиф этилади;

“Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси” АЖ устав капиталига берилган ушбу иловадаги акциялар пакетлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат акциялари билан биргаликда яхлит пакет шаклида оммавий савдоларда сотилади ва сотишдан тушган маблағлар акциялар миқдorigа мутаносиб равишда тақсимланади;

мазкур иловада назарда тутилган давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталидаги давлат ҳамда хўжалик жамиятлари улуши улар томонидан Давлат активларини бошқариш агентлигига топширилган активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати миқдorigа камайтирилади.

Бунда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан амалдаги қарз битимларининг молиявий шартлари (ковенантлари) инобатга олинган ҳолда активларнинг оммавий савдоларга чиқарилиши Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

\* “Навоийазот” АЖ акциялар пакетини савдога чиқариш муддатлари Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

**Халқаро ва маҳаллий фонд бозорида акцияларининг бирламчи  
(IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиладиган давлат  
иштирокидаги йирик корхоналар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Акциядорлик жамияти номи	Жойлашган ҳудуди	Давлат улуши (фоиз)	Сотиш шакли	Савдони эълон қилиш муддати
1.	“Навоий КМК” АЖ	Навоий вилояти	10–15	IPO	2025 йил II ярим йиллик
2.	“Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси” АЖ*	Тошкент шаҳри	25	IPO	2026 йил I ярим йиллик
3.	“Навоийуран” ДК	Навоий вилояти	10–15	IPO	2026 йил II ярим йиллик
4.	“Uzbekistan Airways” АЖ*	Тошкент шаҳри	15–20	IPO	2026 йил II ярим йиллик
5.	“Олмалиқ КМК” АЖ	Тошкент вилояти	10–15	IPO	2027 йил I ярим йиллик
6.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ*	Тошкент шаҳри	10–20	IPO	2027 йил I ярим йиллик
7.	“Ўзбектелеком” АЖ*	Тошкент шаҳри	10–15	SPO	2027 йил II ярим йиллик
8.	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ*	Тошкент шаҳри	15–20	IPO	2027 йил II ярим йиллик
9.	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ*	Тошкент шаҳри	20–25	IPO	2028 йил I ярим йиллик
10.	“Ўзтрансгаз” АЖ	Тошкент шаҳри	15–20	IPO	2028 йил I ярим йиллик
11.	“Uzbekistan Airports” АЖ*	Тошкент шаҳри	15–20	IPO	2028 йил I ярим йиллик
12.	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ*	Тошкент шаҳри	15–20	IPO	2028 йил II ярим йиллик

\* Акцияларининг бирламчи (IPO) оммавий таклифи “Franklin Templeton Asset Management” МЧЖ ХК билан биргаликда амалга оширилади.

**Изоҳ:** Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклиф этиладиган акциялар пакетининг ҳажми, сотиш шакли ва савдога чиқариш муддатига ўзгартиришлар киритиши мумкин.



**Давлат иштирокидаги айрим йирик корхоналарни сотиш  
МЕХАНИЗМИ**

Вазифалар	Амалга оширилган ишлар	Амалга ошириш механизми ва муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. “Samarqand Avtomobil zavodi” МЧЖ</b>			
“Samarqand Avtomobil zavodi” МЧЖ устав капиталидаги 75,2 фоиз давлат улушини сотиш жараёнларини якунлаш.	<p>1. Ўзбекистон ва Туркия Давлат раҳбарларининг 2024 йил 5–7 июнь кунлари Анқара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши доирасида Давлат активлари агентлиги, “Ўзавтосаноат” АЖ ва Туркиянинг “Anadolu Isuzu” компанияси ўртасида “Samarqand Avtomobil zavodi” МЧЖ устав капиталидаги давлат улушини сотиб олиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида Англашув меморандуми (MoU) имзоланган.</p> <p>2. “Anadolu Isuzu” компанияси билан музокаралар ўтказилган, компания томонидан давлат улушини сотиб олиш бўйича Мажбуриятга эга бўлмаган таклиф (NBO) ва инвестиция киритиш учун шартлар тақдим этилган.</p> <p>3. “PwC” халқаро компанияси</p>	<p>1. “Anadolu Isuzu” компанияси томонидан корхонани комплекс таҳлил қилиш ишларини якунлаш. <b>Муддат: 2025 йил 1 май.</b></p> <p>2. “Samarqand Avtomobil zavodi” МЧЖдаги давлат улушини сотиб олиш бўйича “Anadolu Isuzu” компаниясининг Мажбуриятга эга бўлган таклифларини кўриб чиқиб, музокаралар натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилиш. <b>Муддат: 2025 йил 1 октябрь.</b></p> <p>3. Музокаралар натижаси бўйича “Samarqand Avtomobil zavodi” МЧЖдаги давлат улушини сотиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиш ёки давлат улушининг оммавий савдоларини эълон қилиш. <b>Муддат: 2025 йил 1 ноябрь.</b></p>	<p>Давлат активлари агентлиги (А. Ортиков)</p> <p>Хусусийлаштириш давлат комиссияси (А. Арипов)</p> <p>Давлат активлари агентлиги (А. Ортиков)</p>

Вазифалар	Амалга оширилган ишлар	Амалга ошириш механизми ва муддати	Масъул ижрочилар
	<p>мустақил баҳоловчи сифатида ва “KPMG” халқаро компанияси молиявий ва солиқ масалаларида комплекс таҳлил (due diligence) ўтказиш учун ҳамда “Dentons” халқаро компанияси юридик таҳлилни амалга ошириш учун юридик консультант сифатида жалб қилинган.</p>	<p>4. “Anadolu Isuzu” компаниясининг битимга доир шартларини назарда тутувчи Инвестиция шартномасини тасдиқлаш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. <b>Муддат:</b> <i>Хусусийлаштириш давлат комиссияси қарори қабул қилингандан сўнг бир ой муддатда.</i></p>	<p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Давлат активлари агентлиги (А. Ортиков)</p>
<b>II. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ</b>			
<p>“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва унинг тизимидаги иссиқлик электр станцияларини хусусийлаштириш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ–101-сон Фармонида асосан “Иссиқлик электр станциялари” АЖни хусусийлаштириш доирасида “KPMG” халқаро компанияси томонидан хусусийлаштириш стратегияси ишлаб чиқилган, унга кўра: “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг таркибидаги иссиқлик электр станцияларининг техник ҳолатидан келиб чиқиб, алоҳида станцияларни портфель усулида хусусийлаштириш; ишлаб чиқарилган электр энергиясини кафолатланган тарзда марказий харид қилувчи томонидан сотиб олиш; электр энергиясини ишлаб чиқариш учун зарур ҳажмларда табиий газ</p>	<p>1. Консультант таклифи асосидаги шартларда ва Энергетика вазирлигининг ёқилғи етказиб бериш миқдори бўйича кафолати асосида иссиқлик электр станцияларини халқаро бозорда очиқ оммавий савдоларини эълон қилиш. <b>Муддат:</b> <i>2025 йил 1 июль.</i> 2. Хусусийлаштириш бўйича олди-сотди шартномасига мувофиқ ишлаб чиқарилган электр энергияси билан таъминлаш шартларини ишлаб чиқиш ва келишиш. <b>Муддат:</b> <i>олди-сотди шартномасини тузишдан олдин.</i></p>	<p>Давлат активлари агентлиги (А. Ортиков) Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамаҳмудов)  Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), “Ўзэнергосотиш” АЖ (Ж. Обиджонов)</p>

Вазифалар	Амалга оширилган ишлар	Амалга ошириш механизми ва муддати	Масъул ижрочилар
	(кўмирда ишловчилар учун кўмир ёқилғиси) билан таъминлаш кафолатларини белгилаш таклиф этилган.	3. Табиий газни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятидан келиб чиққан ҳолда иссиқлик электр станциялари томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш учун зарур ҳажмларда табиий газ билан таъминлаш шартларини ишлаб чиқиш ва келишиш. <b>Муддат:</b> шартномада белгиланган муддатларда.	Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамаҳмудов), “UzGasTrade” АЖ (А. Агзамов), “Ўзтрансгаз” АЖ (С. Исаков)
<b>III. “Ўзметкомбинат” АЖ</b>			
“Ўзметкомбинат” АЖни хусусийлаштириш.	“Ўзметкомбинат” АЖнинг носоҳавий активларини қисқартириш, қарздорликларини реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.	1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг носоҳавий активларини қисқартириш, қарздорликларини реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. <b>Муддат:</b> 2025 йил 1 ноябрь.  2. Комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш якуни бўйича “Ўзметкомбинат” АЖ устав капиталидаги давлат улушини сотиш бўйича халқаро бозорда очиқ савдо жараёнини бошлаш. <b>Муддат:</b> 2026 йил 1 март.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б. Исламов), Давлат активлари агентлиги (А. Ортиков)  Давлат активлари агентлиги (А. Ортиков), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б. Исламов)

Вазифалар	Амалга оширилган ишлар	Амалга ошириш механизми ва муддати	Масъул ижрочилар
<b>IV. Йирик корхоналарни сотиш</b>			
<p>Мазкур қарор иловасида келтирилган акциялар пакетлари ва улушларни сотиш бўйича савдоларни эълон қилиш.</p>	<p>Алоҳида корхоналар бўйича профессионал консултантлар жалб этилган.</p>	<p>1. Корхоналар бўйича хусусийлаштириш модели ва графиклари тасдиқлангандан сўнг давлат акциялар пакетларини (улушларни) Давлат активлари агентлигига ўтказиб бериш. <b>Муддат:</b> график асосида.</p> <p>2. Давлат акциялар пакетларини (улушларини) сотиш бўйича савдоларни эълон қилиш. <b>Муддат:</b> график асосида.</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов) ва акциядор функциясини амалга оширувчи давлат органлари</p> <p>Давлат активлари агентлиги (А. Ортиков)</p>
<p>“Шеробод цемент заводи” МЧЖни хусусийлаштириш ишларини ташкил этиш.</p>	<p>“Олмалиқ КМК” АЖга қарашли цемент заводи – “Шеробод цемент заводи” МЧЖ сифатида қайта ташкил этилган.</p>	<p>1. “Шеробод цемент заводи” МЧЖнинг устав капитали унинг соф активдан кам бўлган тақдирда, қонунчилик талабларига асосан соф активи миқдоригача камайтириш.</p> <p>2. “Шеробод цемент заводи” МЧЖ устав капиталидаги улушни Давлат активлари агентлигига “Олмалиқ КМК” АЖнинг соф активига нисбатан ундаги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг улушини мос равишда ўтказилаётган улушнинг номинал қийматига камайтириш ҳисобига ўтказиб бериш. <b>Муддат:</b> 2025 йил 1 июль.</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш. Вафаев), Давлат активлари агентлиги (А. Ортиков)</p>

**Давлат иштирокидаги йирик корхоналар устав капиталидаги акция  
пакетларини (улушларни) хусусийлаштириш олди тайёргарлик  
ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи  
ТАРКИБИ**

1. Ж.А. Қўчқоров – Бош вазир ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2. А.Ж. Ортиков – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори, *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. А.Д. Ташкулов – адлия вазири
4. Л.Ш. Кудратов – инвестициялар, саноат ва савдо вазири
5. Ҳ.С. Турахужаев – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси
6. Х.Б. Мустафоев – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
7. Н.Д. Хусанов – Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари
8. Б.Қ. Абдиназаров – “UzAssets” инвестиция компанияси” АЖ бошқарув раиси
9. Ш.Б. Охунов – Давлат активларини бошқариш агентлиги департаменти бошлиғи, *ишчи гуруҳ котиби*

**Изоҳ:** Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

**Давлат иштирокидаги йирик корхоналар устав капиталидаги акция  
пакетларини (улушларни) хусусийлаштириш олди тайёргарлик  
ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳининг  
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

**1.** Давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида тайёрланишини ва халқаро аудитдан ўтказилишини таъминлаш.

**2.** Савдо жараёнларини ташкил этиш учун нуфузли халқаро консультантларни жалб этиш ва давлат иштирокидаги йирик корхоналар томонидан халқаро рейтинг ташкилотларининг барқарор кўрсаткичларига эришиш жараёнларини мувофиқлаштириб бориш.

**3.** Хорижий давлатлардаги капитал бозорини тартибга солувчи органлар ва фонд биржалари билан ўзаро ҳамкорлик қилинишини таъминлаш, тегишли меморандум ва шартномаларни тузиш учун музокаралар олиб бориш.

**4.** Нуфузли халқаро консультантлар ва андеррайтерлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва маркетинг материаллари тайёрланишини ташкил қилиш.

**5.** Амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар чоракда Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига ахборот киритиб бориш.

**6.** Оммавий савдоларга чиқарилган давлат иштирокидаги йирик корхоналарни салоҳиятли инвесторларга сотиш учун доимий равишда хорижий оммавий ахборот воситалари, халқаро молия институтлари ва инвестиция банклари орқали тарфибот ишларини олиб бориш.

